VII. ХИЗМАТЛАР

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатда олиб борилаётган бозор ислоҳотлари жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга катта таъсир кўрсатади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмини ҳаёт сифатини ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2019 йил январь-март ойлари учун)

	Млрд. сўм	*Ўсиш суръати, %*	*Жамига нисбатан %*
Жами хизматлар	**1627,1**	**112,5**	**100,0**
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	99,5	99,7	6,1
Молиявий хизматлар	215,4	184,7	13,2
Транспорт хизмати	310,8	103,1	19,1
Шу жумладан: автотранспорт хизматлари	271,5	100,8	16,7
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	29,9	101,0	1,8
Савдо хизматлари	568,7	106,9	35,0
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	51,0	100,6	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	75,3	119,6	4,6
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	30,2	111,3	1,9
Ижара ва прокат хизматлари	32,7	100,1	2,0
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	45,9	100,8	2,8
Бошқа шахсий хизматлар	108,2	105,8	6,7
Меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	21,2	151,0	1,3
Бошқа турдаги хизматлар	38,4	98,9	2,4

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (35,0 %), транспорт хизматлари (19,1 %), молиявий хизматлар (13,2 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,1 %) ташкил этади.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,3 %), яшаш ва овқатланиш хизматлари (1,8 %) ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,9 %) эгаллади.

2019 йилнинг январь-март ойларида бажарилган хизматлар таркиби (фоизда)



2019 йил январь - март ойларида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 1627,1 млрд.сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 422,2 млрд.сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,9 фоизини ташкил қилди (2018 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 112,5 фоиз).

Молиявий хизматлар 184,7 фоизга ошган ва жами хизмат таркибида 13,2 фоизни ташкил этди.

Транспорт ва алоқа хизмати 103,1 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 19,1 фоизни ташкил этди.

Савдо хизмати 106,9 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 35,0 фоизни ташкил этди.

Таълим соҳасидаги хизматлар 119,6 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 4,6 фоизни ташкил этди.

Бошқа шахсий хизматлар 105,8 фоизга ошган ва жами хизмат таркибидаги улуши 6,7 фоизни ташкил этди.

Меморчилик,мухандислик изланишлари,техник синовлар ва тахлил сохасидаги хизматлар 151,0 фоизга ошган бўлиб, жами хизмат таркибидаги улуши 1,3 фоизни ташкил этди.

2019 йил январь-март ойларида кўрсатилган хизматлар таркиби (жами хажмга нисбатан, %)



Шаҳар ва туманлар кесимида хизматлар ишлаб чиқарилиши
(2019 йилнинг январь–март ойларида)

млрд.сўмда



Ҳудудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Наманган шаҳрига 873,2 млрд.сўм (118,8 фоиз) ва Тўрақўрғон туманига 94,0 млрд.сўм (107,6 фоиз)га тўғри келди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Наманган шаҳри (1423,6 минг сўм), Тўрақўрғон туман (425,2 минг сўм) ва Поп тумани (408,2 минг сўм)ларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 53,7 фоиздан ортиғи Наманган шаҳрига, Тўрақўрғон тумани (5,8 фоиз), Поп тумани (5,4%),Чуст тумани (4,8 фоиз), Янгикургон тумани (4,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,0 фоизи, траспорт (19,1 фоизи) хизматларига тўғри келади.

Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми
(2019 йилнинг январь–март ойларида)

	Жами			*Аҳоли жон бошига*	
	млрд.сўм	*2018й. январь–мартга нисбатан фоизда*	*жами хизматлар ҳажмига нисбатан фоизда*	*минг сўм*	*2018й. январь–мартга нисбатан фоизда*
Наманган вилояти	**1627,1**	**112,5**	**100,0**	**590,0**	**110,3**
шаҳар:					
Наманган	*873,2*	*118,8*	*53,7*	*1423,6*	*116,4*
туманлар:					
Мингбулоқ	*48,3*	*105,9*	*3,0*	*391,4*	*103,7*
Косонсой	*68,0*	*105,8*	*4,2*	*332,7*	*103,6*
Наманган	*65,8*	*105,3*	*4,0*	*376,0*	*103,1*
Норин	*52,3*	*105,5*	*3,2*	*326,1*	*103,6*
Поп	*87,9*	*106,3*	*5,4*	*408,2*	*104,4*
Тўрақўрғон	*94,0*	*107,6*	*5,8*	*425,2*	*105,4*
Уйчи	*64,4*	*106,0*	*4,0*	*309,3*	*103,7*
Учқўрғон	*58,8*	*104,9*	*3,6*	*348,7*	*102,9*
Чортоқ	*66,7*	*106,6*	*4,1*	*342,0*	*104,5*
Чуст	*77,8*	*105,4*	*4,8*	*299,1*	*103,5*
Янгиқўрғон	*69,9*	*105,4*	*4,3*	*328,1*	*103,3*

2019 йил январь-март ойларида алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши, %



Хизматлар хажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган холда ошиши яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар бўйича кузатилди. Уларнинг хажми 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 25,2 млрд.сўмга ошди.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (184,7 %), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синов ва тахлил сохасидаги хизматлар (151,0 %), таълим сохасидаги хизматлар (119,6 %), соқлиқни сақлаш сохасидаги хизмат (111,3 %), Бошқа гуруҳларга киритилмаган бошка шахсий хизматлар (105,8 %), каби хизмат турларида қайд этилди.